

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1999-ҳадис

1999/6192 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ زَيْنَبَ كَانَ اسْمُهَا بَرَّةَ، فَقِيلَ: تَكِّي نَفْسَهَا، فَسَمَّاهَا

رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ زَيْنَبَ.

1999.6192. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Зайнабнинг исми Барра эди. «Ўзини покдомон деб мақтаяпти-я», дейишди (унга). Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам унга Зайнаб деб исм қўйдилар».

Изоҳ: Барра розияллоху анҳо мўминлар онаси Умму Салама розияллоху анҳонинг қизи, Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг ўғай қизлари бўлган. «Барра» сўзи араб тилида жуда яхши, фақат яхшилик қиладиган, эзгулик рамзи деган маънони билдиради. Аслида бу исмнинг ёмон маъноси бўлмаса-да, бандаликка, инсоннинг ожизлигига бироз тўғри келмагани учун шундай эътирозга учраган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
HUBUVVAT MARVARIDLARI